

ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ КРЕАТИВ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Мухамедова Гули Баходировна

Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог
кадрларни қайта тайёрлаш уларнинг малакасини ошириш институти таянч
докторанти

АННОТАЦИЯ

Мақолада инновацияларни таълим жараёнига тадбиқ этиши, профессор-ўқитувчиларнинг креатив компетенцияларини шакллантириши ва ривожлантириши усулларини илмий асослаб бериш, креатив ўқитиш методикасини жорий этиши ва ўқув материалларини тақомиллаштириши заруриятидан келиб чиқиб, профессор-ўқитувчиларнинг креатив компетенцияларини ривожлантириши масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: Креативлик, ўқув-услубий мажсума, фаоллик, мустақил таълим, тарбия, қайта алоқа, ўқув мотивлари, ахборот.

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются вопросы применения инноваций в образовательном процессе, научного обоснования методов формирования и развития творческих компетенций учителей, внедрения творческих методов обучения и совершенствования учебно-методических материалов, развития творческих компетенций учителей.

Ключевые слова: Творчество, учебно-методический комплекс, деятельность, самостоятельное обучение, воспитание, обратная связь, мотивы обучения, информация.

ABSTRACT

The article deals with the application of innovations in the educational process, the scientific substantiation of methods for the formation and development of teachers' creative competencies, the introduction of creative teaching methods and the improvement of teaching materials, the development of teachers' creative competencies.

Keywords: Creativity, educational and methodological complex, activity, self-study, education, feedback, learning motives, information.

КИРИШ

Бугунги кунда инсонларда креативликни шакллантириш, янги ғоялар ишлаб чиқариш, ўқув-услубий мажмуалар яратиш, касбий фаолиятга ижодий ёндашиш, тилни ўзлаштириш жараёнига замонавий ёндашувларни жорий этиш муҳим масалалардан ҳисобланади. Педагог кадрларнинг ижодий салоҳияти, креативлигини ривожлантириш, ахборот-коммуникация технологиялари ва дастурлари орқали ўқитишнинг анъанавий ва замонавий методларидан комплекс фойдаланиш орқали ижтимоий-иқтисодий юксалишининг интеллектуал ресурсларини яратиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонига кўрататълимнинг узлуксизлигига эришиш мақсадида умумий ўрта, ўрта маҳсус ва олий таълим дастурларининг уйғунлиги ва изчилигини таъминлаш, олий таълим муассасаларининг ўқув режаларини кредит-модуль тизимига ўтказиш механизmlарини ишлаб чиқиш ва уларни босқичма-босқич мазкур тизимга ўтказиш, олий таълим муассасаларининг ўқув режаларини кредит-модуль тизимиغا ўтказиш механизmlарини ишлаб чиқиш ва уларни босқичма-босқич мазкур тизимга ўтказиш, индивидуал таълим траекторияларига асосланган, талабаларда креатив фикрлаш, амалий кўникмаларни шакллантиришга қаратилган ўқув режалар ишлаб чиқиш орқали талабалар қизиқишилари ҳамда кадрлар буюртмачилари эҳтиёжларига мувофиқ таълим дастурларини шакллантириш, уларни тасдиқлаш бўйича олий таълим муассасаларига босқичма-босқич академик мустақиллик бериш, индивидуал таълим траекторияларига асосланган, талабаларда креатив фикрлаш, амалий кўникмаларни шакллантиришга қаратилган ўқув режалар ишлаб чиқиш орқали талабалар қизиқишилари ҳамда кадрлар буюртмачилари эҳтиёжларига мувофиқ таълим дастурларини шакллантириш, уларни тасдиқлаш бўйича олий таълим муассасаларига босқичма-босқич академик мустақиллик бериш ва бошқа шу каби вазифалар белгилаб берилган.

Бу вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида инновацияларни таълим жараёнига тадбик этиш, профессор-ўқитувчиларнинг креатив компетенцияларини шакллантириш ва ривожлантириш усулларини илмий асослаб бериш, креатив ўқитиш методикасини жорий этиш ва ўқув материалларини такомиллаштириш зарурияти мавжуд.

Профессор-ўқитувчиларнинг креатив компетенцияларини ривожлантириш жараёнининг умумий моҳиятини тўлақонли англаш учун дастлаб “креативлик” тушунчасининг маъносини ёритиш зарур.

Кен Робинсоннинг фикрига кўра, “креативлик – ўз қийматига эга оригинал ғоялар мажмуи” (Аззам, 2009 й.) саналади. Гарднер эса ўз тадқиқотларида тушунчани шундай изоҳлайди: “креативлик – шахс томонидан амалга ошириладиган амалий ҳаракат бўлиб, у ўзида муайян янгиликни акс эттириши ва маълум амалий қийматга эга бўлиши лозим”. Эмебайл (1989 й.)нинг ёндашувига кўра, креативлик “муайян соҳа бўйича ўзлаштирилган пухта билимлар билан бирга юқори даражада ноодатий кўникмаларга ҳам эга бўлиш” демакдир.

Креатив фикрлаш, муайян масала юзасидан ҳар томонлама фикрлаш бўлиб, талабаларнинг ўқув топшириғи, масаласи ва вазифаларини бажаришда кўплаб ғояларга таяниши тушунилади. Яъни, топшириқни бажариш, масалани ечишда талаба ечимнинг бир неча вариантини излайди, кейин эса энг мақбул натижани кафолатловчи биргина тўғри ечимда тўхталади.

Юқорида билдирилган фикрларга таянган ҳолда “креативлик” тушунчасини қуидагича шарҳлаш мумкин:

Креативлик (лот., инг. “create” – яратиш, “creative” – яратувчи, ижодкор) – индивиднинг янги ғояларни ишлаб чиқаришга тайёрликни тавсифловчи ва мустақил омил сифатида иқтидорлиликнинг таркибига кирувчи ижодий қобилиятидир.

Профессор-ўқитувчиларнинг креатив компетенциялари унинг тафаккурида, мулоқотида, хис-туйғуларида, муайян фаолият турларида намоён бўлади. Креативлик шахсни яхлит ҳолда ёки унинг муайян хусусиятларини тавсифлайди.

Креативлик иқтидорнинг муҳим омили сифатида ҳам акс этади. Яъни, талабалар эътиборини таълим жараёнига фаол жалб этишни таъминлайди. Профессор-ўқитувчиларнинг креатив компетенцияларини ривожлантиришда қуидаги омилларга эътибор қаратиш зарур:

- фаоллик ва мустақил таълим;
- тарбиявий муносабатлар;
- қайта алоқанинг ўзига хос аҳамияти ва зарурияти;
- тўғри ва тескари жараёнлар;
- ўқув мотивларини шакллантириш зарурияти;
- натижавийлик;

- ахборотларнинг янгилиги ва ишончлилиги.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида. Тошкент ш., 2019 йил 8 октябрь, ПФ-5847-сон.
2. Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem solving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014.
3. Хасанбоев Ж., Туракулов Х., Гайдаров М., Хасанбоева О., Усманов Н. Педагогика фанидан изоҳли лугат. - Т.: «Фан ва технологиялар», 2009. - 236-бет.
4. Зиёмухаммадов Б. Педагогика. Олий ўқув юртлари учун қўлланма. - Т.: «Турон-Иқбол», 2006. - 26 бет.
5. Зокирова, Д. Н. (2021). INTEGRATION OF PROFESSIONAL AND EDUCATIONAL DISCIPLINES INTO TRAINING OF SELF-LEARNING MOTIVATED STUDENTS. *Современное образование (Узбекистан)*, (6), 24-28.
6. Usubovich, O. O., & Ne'matillaevna, Z. D. (2022). METHODOLOGY OF USING CONNECTING ELEMENTS OF SCIENCE IN THE ORGANIZATION OF INDEPENDENT WORK OF THE SCIENCE OF HYDROELECTRIC POWER STATIONS. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(3), 654-661.
7. Nematillaevna, Z. D. (2021). Problems in providing independent learning education and ways to prevent them. *ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL*, 11(1), 1431-1436.
8. Zokirova, D. N. (2021). Goals And Objectives Of Organizing Independent Work Of Students. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 3(01), 179-182.
9. Зокирова, Д. Н. (2018). Мустақил ўрганишга ундаш орқали таълим беришда гурух бўлиб ишлашни қўллаб-қувватлаш. *Научное знание современности*, (4), 15-21.
10. Otamirzaev, O. U., & Zokirova, D. N. (2019). PROBLEMS ARISING WHEN APPLYING THE “BOOMERANG” METHOD IN THE COURSE OF TRAINING AND METHODS FOR THEIR ELIMINATION. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 1(11), 270-274.

-
11. Usubovich, O. O., & Ne'matillaevna, Z. D. (2022, April). INTERFAOL USULLARDAN FOYDALANIB TALABALARING MUSTAQIL FIKRLASHLARINI SHAKLLANTIRISH. In *E Conference Zone* (pp. 101-105).
 12. Sayfullayeva, D. A., Tosheva, N. M., Nematova, L. H., Zokirova, D. N., & Inoyatov, I. S. (2021). Methodology of using innovative technologies in technical institutions. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 7505-7522.